

Онур Қоплон

Алфидо



Ҳозир ортимга
ўгирилиб қарасам,
бошим ўз-ўзидан
хам бўлади
ва қўлларим
дуога очилади...



ТАРЖИМОНДАН

Кўлингиздаги китоб жузъий кискартиришлар билан таржима қилинган бўлса-да, асарнинг асосий ғоясини, руҳини, ундаги ҳисларни етказа олдим деб умид қиламан. Таржима жараёни енгил кечмади: баъзан кунлаб, ҳатто ҳафталаб китобни кўлимга ололмадим. Айрим сатрлари тўсатдан туширилган тарсакидек юзимни ловуллатиб юборди, баъзи сўзлари юрагимга тош мисоли чўкди. Қуйидаги сатрларни таржима қилар эканман, кўзимдан тирқираган ёшларни тўхтата олмадим, шу сатрларнинг туткиси билан кўрка-писа ортимга ўтирилганимда танимни ғамгинлик чулғаб олган бўлса-да, олдимда турган УМИД мени кўлимдан тортиб кетди. Зеро, тавба эшиклари то киёматгача ёпилмайди. Менга қаттиқ таъсир қилгани учун (ўзимдан ўтганини бир мен биламан, бир Аллоҳ) бу сатрларни ҳали мутолаага киришмасингиздан олдинок сизлар билан бўлишгим келди:

“...Тонглардан бирида кўзларимни уйқудан очиб, жойнамознинг устида уйғондим. Қудук деворларини босган бақатўннинг исига тўйинган ичимга бир уруғ кададим. Ўрнимдан туришга уринмадим, зеро, мажолим йўқ эди. Овозимни эшиттириш учун баки-

ришимга ҳам ҳожат бўлмади. На қўлимни кўтардим, на бирор ишора бердим. Фақатгина “Аллоҳим!” дедим ва хирилдоқ овоз билан ичимдаги оламини уйғотдим. Йўқсиллик нималигини биласизми? Ҳамма нарсам бор Ундан айро, деб ўйлайсиз, аммо энг саёз сувда ҳам чўкиб кетасиз. Ўрнимдан туролмайман деб ўйлаяпсиз, шундайми? Қаддимни ростлай олмайман, тиззаларим букилиб кетади, ўтмиш ёқамни кўйиб юбормайди, тилим Якто дейишга айланмайди, деяпсиз, тўғрими? Кўзингизни юминг, “Аллоҳим!” денг, оғзингизни юминг ва бир томчи сувда кўринг Унинг исмларини. Кўзингизни юминг ва Раббингизнинг сизга “Қулим” дейишига қулоқ тутинг, қулоқларингизни ёпинг ва шоҳтомирларингизда кўпирган қувватни ҳис қилинг. Шунини унутмангки, бу йўлда кўриш учун на кўзларга, эшитиш учун на қулоқларга, гапириш учун на лабларга эҳтиёжингиз бор, бу йўлда фақатгина “Аллоҳим!” десангиз кифоя”.

Ишончим комилки, сиз ҳам бу китобдан ўзингизга тегишли нимадир топасиз.

“Алфидо” Зайнаб ҳақида битилган китоб эмас, у мен ҳақимда, сиз ҳақингизда, улар ҳақида...

Таржимадаги нуқсонлар учун каминанинг узрини қабул қиласиз деган умиддаман.

Камоли эҳтиром ила,
Аброр Адхам ўғли

Хонадан ўзига ишончи комил, оиласига бирор марта ёлгон гапирмаган қиз ўлароқ чиқдим. Қайтганимда мендан нималар камайган бўлиши мумкинлиги умуман хаёлимга келмаганди.

Ҳозир ўзимга савол бераман: агар ҳаммасини олдиндан билганимдан ўша эшикдан ҳатлаб ташқарига чиққан бўлармидим?.. Айт, Миттивой, сен чиққан бўлармидинг? Ўзингдан, келажагингдан узоқлашармидинг? Айтақол, Миттивой, менинг ўрнимда сен бўлганингда, ўзингни қайтиб топа олмаслигингни билганинг ҳолда ўша эшикни истиқболинг юзига ёпиб қўярмидинг?..



Бир ҳикоям бор... Йўнилган қоялар орасидан телбаларча кўпириб тошган бир томчи сувда гарқ бўлганим ҳақида...

Ўзим ҳам билмайдиган бир балиқнинг қорнидан сўзлаяпман сенга. Бу ер зимистон ва хилват жой. Мен эса қоронгиликдан жуда қўрқаман...

Сенга дўстларча қўл узатаяпман: сенинг ҳикоянг-да сенга пойабзалимни тухфа қилиш учун, менинг ҳикоямда мени тушуна олишинг учун.

Илтимос, менга яхши қарагин...



“Бир ҳикоям бор... Тарашланган қоялар аро оти-
либ чиққан бир томчида чўкиб кетганим ҳақида...
Чинқироқ саслар қулогим тағидан визиллаб ўтга-
нида карахт бўлиб қолганим тўғрисида...”

Пурвиқор тоғларнинг чўққиси нега туман билан
қопланган бўлади, биласизми? Чунки ҳаяжон тўла
кўнгилнинг хазинаси булутларда яширинган...

Яраларим бор, мойчечаклар мисоли сочилган по-
йинтар-сойинтар сўзлар орасидан сирқиб чиққан...

Бўлмайди деб гумон қилганларимизми бизни
умидсизлик уммонида чўктиради ёки рўёбга чиқ-
маслигига ишонганларимизми?..”

Мана шундай бошланди менинг ҳикоям. Амалга
ошмаслигига ишонганларим орасида моғор исига
бўғилаёзганимда, ушалмаслигига алданганларим
аро овора бўлаётганимда кўкқисдан деразам очил-
ди. Сўлгин чехраси билан менга тикилар экан, “Роса
қидирган бўлсанг керак”, дея пичирладим. Албатта,
ичимда. Кейинми? Кейин эса мен оғиз тўлдириб но-
мини алаҳлайдиган ҳузур соҳилига айланди-қолди.

Бу менинг ҳикоям.

Бу сенинг тасаввурингда жонланадиган, сўзла-
рини сен бўяйдиган ҳикоя.

Илтимос, битта пиёла келтир, чунки мисралар
сенга чой қуйиб беради...



Ҳоз
ўгир
бош
ха
ва
дуо

М

“Зайнабнинг Хотира музейи...

Бу университет орзуимдагидан ҳам ортиги эди. Жаннатга тушиб қолдимми ёки эпизод учун бош ролни қўлга киритган актрисаманми? Ё Аллоҳ, ич-ичимдан келаётган озодлик саслари қулоқларимда шундай жаранглаяптики! Йўқ, аввал кўрмаганим учун ўзимни довдираб қолгандай эмас, балки шу пайтгача ўрганганларимни амалда қўллаш учун йўлнинг ўртасида тургандай ҳис қиляпман!”

* * *

Бундан роппа-роса уч йил аввал Хотира музейимда ана шу сатрларни тизган эдим. Ҳозир ортимга ўгирилиб қарасам, бошим ўз-ўзидан ҳам бўлади ва қўлларим дуога очилади. Ўзимни озодликлар диёрида ҳис этганим билан, аслида у ернинг қули бўлганимни тушуниб етганмидим ҳеч?..

Ҳамманинг ҳам ёқтирган таъми бўлади-ку, шунчалар тотлики, ҳатто озгина ҳидига ҳам оғизнинг суви оқади. Ҳа, худди шунақа аҳволдамиз: аввал-

лари қачондир фақат “мен” деб яшаганмиз. Қачон шайтон қулоғимнинг тагида шивирлай бошласа, ич-ичимда бир жойим кўрқувдан қалт-қалт титрайди. Енгилишдан шунчалик кўрққанмидим деб сўрашни хоҳлайман, аммо...

Гоҳида саволларнинг орасида жавоб олишдан кўрққудек бўлиб овозим чиқмай қолади ва ҳеч ким ичимда учаётган мовий капалакларни¹ кўра олмайди.

Ҳақиқатан, шундай эмасми? Қийматли нарсалар ҳар доим муҳофаза қилинади-ку. Сен, чиндан ҳам, асраб-авайлаяпсанми?..

Фикрларинг сатрларга нима учун ташланиб қолаётганини биламан, сиримни сен билан баҳам кўриш учун вақтинг бўлишини кутяпман.



¹ *Таржимон изоҳи:* “ичида капалак учиши” – ҳаяжонни билдирадиган ибора; мовий капалак – кўпинча қабристонларда учрайдиган капалак тури.



2

Эрталаб кўзимни уйқудан аранг очар эканман, кулоғимга аллақандай қушнинг овози чалинди. Қарасам, деразанинг бурчагидан менга тикилиб турибди. Ҳали ўзимга келиб улгурмаган бўлсам-да, ўрнимдан сапчиб туриб, зипиллаганча олдига бормоқчи бўлдим-у, тақатақ тўхтадим. Бу митти тўтиқуш² эди. Ажабо, деразамнинг олдида нима қилиб юрибди?.. Уни чўчитиб юбормаслик учун худди мина кўмилган майдонда юраётгандек оҳиста қадам ташладим. Шунча эҳтиёткор бўлсам-да, уни ҳуркитибман чоғи, қаерга қочишни билмай, хонамга кириб қолди. Қочиб кетмасин деб дарров деразани ёпдим-да, уни тутиб олдим. Кўркув акс этган кўзлари билан менга қараб турарди. Миттигина юраги шунчалар тез ураётган эдики, уни ташқаридаги ёмонликлардан асраш учунми деразани ёпдим ёки шу хонага маҳкум этиш учунми, иккиланиб қолдим. Унга бироз термилиб тургач, қафас олишим кераклиги хаёлимга келди ва қушни хонамда ёлғиз қолдирганча ташқарига зинғилладим.

² Карлик ёки жингалак тўтиқуш деб аталувчи тўтиқуш тури.

Қайтиб келганимда бир бурчакка тикилиб олган, кўзларида ёлғизликнинг андуҳи намоён эди.

Демак, шунақа экан. Ичингда бир рух бўлса, сени қандай номлашларидан қатъи назар, ўзгача рангдаги кўзларингни ҳам ёлғизликнинг айни тумани копларкан.

Ўйланиб қолдим: йўлда дуч келган кимнидир тўхтатиб, ёлғизликнинг иси қандай бўлишини сўрасам, жавоб бера олармикин?.. Туркия тилшунослик кўмитаси ёлғизликка қандай таъриф берган эди?..

Ким нима деса десин, ёлғизлик бу теледастурга чиқиб, “7 миллиард одам мени кўриб турибди” деб ўйлаган одамнинг ичидан ўтганларидир.

Ким нима деса десин, ёлғизлик бу тумонат ичида овозингни ҳатто ўзинг ҳам эшитмайдиган даражада ўз қобиғингга ўралиб олишингдир.

Ким нима деса десин, лекин, Миттивой, сен ёлғизликдан қийналма, хўпми? Асло хавотирланма, бу ерда ёлғизланиб қолмайсан, сенга сўз бераман. Хуш келибсан Зайнабнинг дунёсига...

Яхшилаб нонушта қилиб олгач, ойнанинг қаршисида нақ икки соат ўтирдим. Нимага бўларди, иккинчи ҳафтанинг биринчи куниданок мен кеч қолган дарсга бориш, йўқ, тўғрироғи, улгуриб қолиш учун. Ахир энди университет талабасиман, шундай экан, ўзимга кўпроқ вақт ажратишим зарур. Лекин ўзимга вақт ажратаман деб кўпинча дарсларга кеч қоляпман. Семестр эндигина бошлангани

учун кўпам ғам чекаётганим йўқ, имтиҳонларгача ҳали анча бор. Ҳозир буларни ўйлашга жуда эрта, шундай эмасми?

Университетда ҳамма янги бўлишига қарамай, аввалдан қаердадир келишиб олгандек бир-бирлари билан жуда тез чиқишиб кетишди. Ажабо, мен ҳаддан ташқари бегонаманми бу жойларга ёки бу жойлар менга жуда-жуда бегонами?.. Икки кундаёқ севишганларга айланганлар ҳақида гапиришни ҳатто истамайман. Қачон улгурдингиз бир-бирингизни танишга?.. Бир оила бўлишингиз мумкинлигига қачон ишонч ҳосил қила қолдингиз?.. Хаёлимда худди “Фотиманинг тўйи”³ жонлангандек бўлди, ҳозир мени халай⁴нинг бошига ўтказиб қўйишса керак. Халайнинг бошида бўлиб қолмасимдан эътиборимни бошқа нарсаларга қаратай деб турганимда ён столда ўтирган икки қизнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Улардан бири шунчалар ҳаяжон билан гапираётган эдики, азбаройи қизиқиб кетганимдан улар томонга яқинроқ сурилдим. Узоқдан қараганда, сўзлагувчи бўлишни хоҳлармидинг ёки эшитувчими деган саволнинг жавобини мен асло топа олмайдиган суҳбатга ўхшарди. Эшитувчи биров қисик кўзларини катта-катта очганча ҳайрат ичра кулок

³ Ферди Тайфур исмли хонанданинг қишлоқдан катта шаҳарга кўчганлар ҳақида айтган қўшиғи. Клипида халай ракси сахнаси бор.

⁴ Қўл ушлашиб ёки қўлларни бир-бирининг елкасига қўйиб ўйналаган анъанавий турк ракси. Халайнинг бошидаги киши бир қўлида рўмолча билан ёнидагиларни йўналтиради.

солиб ўтирар, сўзлагувчи эса гўё ингичка арқоннинг устида кетаётган дорбоздек ҳаяжон билан гапирарди. Унинг бир саволидан қулоғимнинг тагида момақалдирок гумбурлагандек бўлди:

– Ажабо, фақатгина бу дунё учун яралганмисан, бор вақтингни унинг учун сарфляяпсан?..

Бу нимаси? Нима демокчи бўлди? Ўтирган жойимда донг қотиб қолгандим. Ўрнимдан турмоқчи бўляпман-у, оёқларим ерга михлаб қўйилгандек. Нега бесаранжом бўлдим ўзи?..

“Фақатгина бу дунё учун яралганмисан?” деган овоз эшитилди ичимдан.

“Албатта, ундай эмас. Зеро, охиратга имон келтиргансан” деган сас ҳисларимни бўлиб қўйди. Одамнинг гапи бўлинишини билардим, ҳислари ҳам бўлинадими?..

“Алҳамдулиллаҳ, мусулмонман” дегандек бўлдим ўзимга ўзим, бироқ ўша сас яна менга қарши чиқдида, дўкондан нималар олишим кераклигини эслатди. Бу гал оҳистагина ўрнимдан турдим, ён столдагилар гўёки ичимдаги овозларни эшитиб қолгандек минг хижолат тортдим. Оёқ учида ёнларидан ўтиб кетарканман, эсимга Миттивой тушди. Эҳ, Миттивой, Зайнабнинг Миттивойи...

[Инсоннинг борадиган жойида кимдир кутиб ўтирган бўлиши қандай ажойиб, тўғрими?]

Қандай қилиб гапириш жуда муҳим-да. Ахир ким ҳам такрорий имтиҳонга киришни истайди?..

Рўйхатимдаги ҳамма нарсани олиб, тўғри талабалар ётоқхонасига йўл олдим. Хонамга кириб, товонимгача инган ҳорғинликдан халос бўлишни, ўқишга киришган китобимни давом эттиришни дилимга тугдим. Ичкарида соатга қарадим-у, бу режамдан умидимни уздим: вақт зинғиллаб ўтаётган эди. Тезроқ тайёргарликни бошлашим керак. Бир бурчакда менга кўз қисганча қараб турган китобимни кўриб, барибир алламаҳалгача ухламайман, бир неча соатдан кейин кўришамиз деб, ўзимни овутдим. Нима деб ўйлайсиз, чиндан ҳам, шундай бўлдимми?..

Хонадан ўзига ишончи комил, оиласига бирор марта ёлғон гапирмаган қиз ўлароқ чиқдим. Қайтганимда мендан нималар камайган бўлиши мумкинлиги умуман хаёлимга келмаганди.

Ҳозир ўзимга савол бераман: агар ҳаммасини олдиндан билганимдан ўша эшикдан ҳатлаб ташқарига чиққан бўлармидим?.. Айт, Миттивой, сен чиққан бўлармидинг? Ўзингдан, келажагингдан узоклашармидинг? Айтақол, Миттивой, менинг ўрнимда сен бўлганингда, ўзингни қайтиб топа олмаслигингни билганинг ҳолда ўша эшикни истикболинг юзига ёпиб кўярмидинг?..

Неча кунлардан бери миужа қоқмаган одамдек деворга тикилиб ётибман. Кечки овқатдан яхши тўймаган қорним ғулдираб қўймаяпти. Ҳатто деразанинг пардасини очишга ҳам ҳафсалам йўқ. Сонсаноксиз кўнғироқлардан кейин телефонимнинг қуввати тугаган чоғи, энди овози чиқмаяпти. Ким билади, балки, дунёда ҳамма нарса тўхтаб қолгандир. Эҳтимол, шу алпозда ётган битта мен эмасдирман. Бир йилда ўн икки ой бормиди? Кундуз тундан кейин келармиди? Қора булутлар ёмғирнинг даракчиси эдими? Хўш, мен-чи? Мен нима қилдим? Ичимни пушаймонлик ғижимляяптими ёки нималар бўлганини билмаганим учун тасаввуримда пайдо қилолмаган воқеалардан қўрқяпманми? Сумкасида ҳар доим кўзгу кўтариб юрадиган мендек қиз айна пайтда ўзимга қарашдан шунчалар қўрқяпманки. Рўпарамда ўзимни кўра олмаслик мени шунчалар чўчитяптики...

Деворга қачондан бери тикилиб ётганимни билмайман. Ҳойнаҳой, анча бўлган, чунки бутун баданим увишиб қолибди. Чап қўлим беихтиёр ўнг

кўлимга тегди-ю, сесканиб кетдим. Чинқириғим деворни тешиб ўтгудек бўлди, лекин овозимни ўзим эшитолмадим. Апил-тапил қочишни истадим, бироқ бир пайтлар ўзим севина-севина осган ойнага дуч келдим. Ўзимни кўрдим. Менга ўхшамаган мени... Мен каби қарамаётган, мен каби нафас олмаётган мени.. Кўзимни юмганча чўккалаб қолдим. Узр сўрашни истаяпман, кошки журъатим етса.

Яна очдим кўзимни. Рўпарамда ашаддий душманним бордек ўзимдан жаҳлим чиқяпти. Қандай қилиб гиёҳванд модда истеъмол қилдим? Хўш, энди нима қилишим керак? Йўқ, олдин шу саволга жавоб топишим зарур: мен у ердан ётоқхонага қандай келдим?..

* * *

Ботаётган куёшнинг илиқ нурлари деразанинг четидан ўтиб юзимни оҳиста силаётган маҳал кўзимни очдим-да, худди бир жойга кеч қолаётгандек шоша-пиша кўлимни соатга узатдим.

Чукур-чукур ух тортгим келяпти. Ўзимни неча кунлардан бери печканинг ёнида буралиб олганча ухлаётган мушукка ўхшатдим. Бутун суякларим шунақанги зирқираяптики. Юрагим жойини ёктирмай қолган-у, танамдаги энг хавфсиз жойни қидираётгандек дам оғзимнинг ичида уряпти, дам миямнинг қоқ ўртасида. Инсоннинг ҳислари, фикрлари, саволларини сиқиб туриши бунчалар қийин экан!

Худди ўйинчоқ олиб беришларини истаб депсинаётган болани ширинлик билан овутишни истагандек ўзимга ўзим: “Қара, вақт алламаҳал бўлиб кетибди, сен эса ҳали овқат емадинг. Турақол, сенга ажойиб овқатлардан олиб бераман”, дедим.

Ўрнимдан аранг туришим билан ойнада ўзимни кўрдим-у, ҳаммаси яна бошига қайтди. Афтим чириган олманинг ярмига ўхшар, кичик милни қува-лашдан воз кечган катта мил мисоли менга қараб турарди.

Йўқ, бу мен бўлишим мумкин эмас!

Ўтирган жойимда қотиб қолдим. Неча дақиқа ўзимга тикилиб ўтирдим, нималарни ўйладим, нималарни алаҳсирадим, билмайман. Кундалиги иккиларга тўлиб кетган бола ота-онасидан қочгандек мен ҳам апил-тапил ойнанинг қаршисидан қочдим. Дуч келган пойабзални оёғимга илганча ташқарига, очиқ ҳавога отилдим.

Енгилгина шамол ёқимли кучоғини очганча кутиб олди мени. Хазонрезгида жуда ажойиб бўлади-да бунақа ҳаво.

Баргларни, уларнинг шитирлашини ёқтираман. Лекин эсимга куз тушиши билан баъзан хомуш тортаман, шохидан узилган ҳар баргга қўшилиб ичимдан нимадир чирт узилгандек бўлади. Кўчамизда бир фаррош ака бўларди. Ҳар куни эрталаб бир вақтда ишга киришарди, бирор марта ишга кеч қолганини кўрмаганман. Мен ёшини билмайдиган

– Салом, Миттивой! Қалайсан, яхшими? – деб сўради.

Миттивой?.. Қушимнинг лақабини қаердан биледи? Майли, биледи ҳам дейлик, лекин саволи сал нотўғри эмасми? “Миттивой қалай?” деб сўраши керак-ку...

Қаердан хаёлимга келди билмайман-у, шу тобда дунёнинг энг бемаъни саволини сўрадим:

– Турк тили ўқитувчимга кўнғироқ қилсам бўладими? Йўқ, йўқ, бошқа вариантлар бўлса ҳам, майли.

– Нима? Тушунмадим.

– Узр... Овозимни чиқариб ўйлаяпман экан... Сиз кимсиз?

– ...

“Қандай келган бўлсанг, шундай кутиб олинсанми ёки қандай кетсанг, шундай эсда қоласанми? Ернинг тагига етиб бориш учун неча сантиметр қозиш керак? Шунга қараб маникюримнинг баҳридан ўтиш-ўтмаслигимни ўйлаб кўраман”.

– Саволимни тушунмадингиз чоғи. Кимсиз деб сўрадим.

Унинг оғзидан узук-юлуқ сўзлар чиқар, ҳарчанд уринсам-да, бу сўзларни жамлаб, маъноли гапга айлантира олмаётгандим.

– ...Узр. Мен Ардаман. Сизни чўчитмоқчи эмасдим, бу ердаги столларимиз тўла, ичкарига ўтишни хоҳлайсизми деб сўрамоқчийдим.

дарахтларнинг баргларини супирар, кейин уларни қопга тўлдирарди. У қопларни тўлдиргани сайин менинг жаҳлим чиқарди. Шу дарахтлар баргларини тўкмаса нима қилади ахир? Япроқларидан воз кеч-маса нима бўларкин? Шохлари яланғочланиб хурсандми энди? Ақалли бир йил шунча баргни исроф қилмаса бўлмасмикин?..

Яна озроқ юрсам, на кўчанинг тошлари қолади, на ўтмишда мени тарк этган болалигим. Ҳар ташлаган кадамимда бир йил ортга тушиб қолаётгандекман. Яхшиямки, қорнимнинг ғулдираши хушимни ўзимга келтирди. Кўчанинг охирида ўнгга бурилишим билан кичкина ва ёқимлигина кафега кўзим тушди. Деворларидаги яшил тусни хойнаҳой умримда биринчи марта кўриб турибман. Қизик, ичкарида атиги бешта стол бор экан. Бу ерга ҳеч ким келмайди, шекилли, деган ўй билан ичкари томон одимладим.

Бир неча кадам нарида гитара бор эди. Бир пайтлар мен воз кечган иштиёқнинг торларини яна чертгим келиб қўл узатган эдим ҳамки, боққа очиладиган каттагина эшик борлигини кўриб қолдим. Ранго-ранг стол-стуллар, устида симга тизилган чироклар... Туш кўрмаяпманми ишқилиб деб ўзимни чимчилашга тушдим. Бу ер, чиндан ҳам, борми?..

Елкамга кимнингдир қўли тегишидан олдин ана шу саволни ўзимга бераётган эдим. Ортимга ўгирилсам, юзи танишдек туюлган, бироқ овози мутлақо бегона йигит:

Унинг юзига анчагача тушуниксиз тикилиб қолдим, шекилли, ичимда бир овоз ўтирадиган бўлсанг ўтир, йўқса чиқиб кет деяётган эди. Узук-юлук гапириш навбати энди менга келганди. Аранг “Ҳа, албатта”, дея олдим. Жойимга ўтирганимда қирмизи каттали дастурхонни мен яхши кўрадиган очик рангда дамланган чой безади. Ёнида эса менга кулимсирабгина қараб турган шоколадли печенье бор эди.

Ғалати... Елкамни туртган қўл худди танишдек эди, лекин бу ерда ишлайдиган йигит экан. Унда Миттивойни қаердан билади?..



Сарик баликли аквариумдаги сассизлик сингари мени чулғаб олган дилгирликлар ичра ўқишга анча мослашиб қолдим. Келаётганимда у ерлар ёқармикин деган хавотирим бор эди, энди эса ҳаммаси мен ўйлагандан осонроқ ўтяпти. Аслида талабалик деганлари ажойиб нарса, агар дарслар бўлмаса. Оилангдан узоқда бўлсанг борми, ётоқхонага қайси соатда қайтишинг кераклигини ўйлаб ўтирмайсан. Хоҳлаганингда овқат ейсан, хоҳлаганингда хонангни тозалайсан, хоҳлаганингда ухлайсан. Уйимни соғиняпман, албатта, лекин у ерга барибир қайтаманку, тўғрими? Қолаверса, оиламдек бўлиши мумкин бўлганлар билан дўстлаша бошладим, улар билан бирга бўлиш мени хотиржам қилади. Ўзгача кечмиши бор инсонлар билан қандай дўстлашиш мумкинлигини ҳам аста-секин ўрганияпман. Ҳар бирининг ўзига хос ҳикояси, бу ҳаётда қолдирган ўзига хос излари бор. Кимдир шу сабабли сигарета чека бошлабди, бирови ичкиликка ёки бангиликка ўрнаибди. Университетга киришдан олдин қоидаларим қатъийроқ эди, назаримда, зеро, бир атеист билан

бир столда ўтиришимни бошқача изоҳлаб бўлмайди. Гўёки бу мавзуларни очмасликка овоз чиқармайгина келишиб олганмиз. Ахир у яхши йигит, у билан фақатгина дўстона суҳбатлар қураамиз. Нима зарари бор, ўзимни билсам бўлди-да. Ҳар ким ўзи учун жавоб беради, мен эса Аллоҳга ишонаман...

Кечкурун бирор жойда кўришишга ваъдалашиб, хоналаримизга кириб кетдик.

Хонамни Миттивойнинг овози тутиб кетганди! Аввалги эгаси уни жуда яхши кўрган бўлса керак, менга тезгина ўрганди, қафасининг эшиги деярли ҳар доим очик туради. Қўлимда худди мушукка ўхшаб суйкалиб, иззатталаблик қилиши-чи! “Ҳой, ахир сен кушсан, ўзингга кел”, демокчи бўламан-у, чиройидан кўзимни узолмайман. Шу кушлар ажойиб-да, кичкинагина қаноти билан инсон зоти чиқа олмайдиган юксакликларда айланиб юради. Галасини айтмайсизми! Худди навигацияси бордек парвоз йўлидан адашиб кетмайди. Шуурсиз кушларнинг буни қандай уддалашига ақл бовар қилмайди! Қизиқ, биринчи мартасида қандай учишар экан? Энди уча олишлари мумкинлигига қандай ишонч ҳосил қилишади? Нега балиқ учишга, куш сузишга, кучук эса судралишга уринмайди-да, туғилишлари билан дастурлаб қўйилгандек ўз қобилиятларини кашф этишга киришиб кетишади? Инсон боласи эса икки йил деганда йиқилиб-туртилиб аранг юришни ўрганади...

Ажойибсан-да, Миттивой, хаёлимни қаерларга олиб кетдинг. Ҳолбуки, ёнингга сени эркалатиш учун келган эдим.

* * *

Ўтган куни рўпарамдан чиқиб қолган кичкинагина кафедра кечки пайт бутун гуруҳ йиғилдик. Ўша куни елкамдан туртган йигитнинг танишлиги, менимча, бизникиларнинг уни таниши билан боғлиқ. Уни бизникилардан кимнингдир ёнида кўрган бўлсам керак, лекин менга нима учун Миттивой деб хитоб қилганини ҳалигача билмайман. Майли, жавоби йўқ саволларни тинч қўйиш керак, акс ҳолда бу ҳаётда яшаш қийинлашиб кетади, шундай эмасми? Қани, севиқли фикрларим, шу гўзал окшом суҳбатига биз ҳам қўшила қолайлик...

Буюртмалар берилганидан кейин суҳбатнинг мавзуси севгига бурилиб кетди. Ҳамма ғамгин бўлиб қолган, нигоҳларига дард чўккан эди. Кимдир хафалигини билдириш учун хўрсинар, кимдир эриша олмаган севгиси ҳақида сўзлар, яна кимдир гиналарини эслашга тушиб кетганди. Курсда қолиш бўйича рекорд қўйган гитарачимиз бор-ку, ўқишни тугатмаётганига сабаб университетни жуда яхши кўриши эмас экан, буни қарангки, сабаби севги эмиш! Университетга янги келганида бир қизни яхши кўриб қолибди. Аудиторияда ҳам, буфетда

ҳам, ётоқхона остонасида ҳам ўша кизнинг эътиборини тортишга уринибди. Қиз аввалига ўзини билмаганга олса-да, кейин биргаликда қаҳва ичиш таклифини қабул қилибди. Улар ўқишни тезроқ тугатиб, турмуш қуришни орзу қилишармиш.

Мен бу гап-сўзлардан ҳайратга тушиб улгурмасимдан у ўша қиз билан бир уйда яшай бошлагани ҳақида гапирар эди. Олдинлари шунга ўхшаш оқшом суҳбатларини кўча-кўйда эмас, янада каттарок гуруҳ билан уйларида ўтказишар экан.

Сездирмаётган бўлсам-да, ҳали турмуш қурмаган икки ёш қандай қилиб бир уйда яшаши мумкин, деган савол ҳаёлимдан кетмаётган эди. Бунақада турмуш қуришнинг маъноси қоладими? Ахлоксизлик ёйилишига ҳисса қўшиш эмасми бу? Оилалари қандай қилиб рухсат берган?.. Ёки мен яшайдиган муҳитда муаммо борми?.. Йўқ, бу тўғри эмас. Икки инсон бир-бирини таниб олиши учун бир уйда яшашига ҳожат йўқ. Инсонлар бир-бирларини фикрлари орқали таниши зарур.

Ҳаёлимда ана шу ўйлар ғужғон ўйнар экан, ҳикоянинг охирини эшитолмай қолдим. Ҳойнаҳой, бир-биримизга тўғри келмас эканмиз, деб ажрашишган бўлса керак. Официант столимизга янги чойларни олиб келиши билан ҳамма негадир жимиб қолди. Муғомбирона табассумларини кўриб турган бўлсам-да, гап нимадалигини тушунмаётган эдим.

– Зайнаб, ўтган оқшомда Арда билан танишдингизми? – деган саволни эшитдим чап томонимдан.

Ўтган оқшомми? Демак, ўша ўтиришда Арда ҳам бор экан-да! Ё Аллоҳ, ишқилиб ўша расволигимни кўрмаган бўлсин-да! Саросима ичида жавоб беришга оғиз жуфтлаган эдим ҳамки, Арда эпчиллик қилди:

– Ҳа, ҳа! Ўтган оқшом бизнинг мижозимиз эди кичик хоним!

Кичик хоним? Ўтган оқшом? Мижоз?..

Ўзимга ўзим савол беришни қачон ўргана қолдим экан! Шошма-шошма, бу гапларнинг ўтиришга алоқаси йўқ-ку?! Оҳ, миннатдорман, Аллоҳим! Мавзуни ўзгартириш, саросимамни яшириш учун уни қаердан танишларини сўрадим. Бизнинг университетда ўқир, кафе эса уларники экан, оқшомлари шу ерда ишларкан. Икки дақиқа кейин даврамизга кўшилди. Оқшом бўйи давом этган суҳбатимиз менинг юзимнинг ловуллашига, ёнимдагиларнинг эса бир-бирларига маънодор кўз қисишларига сабаб бўлди.

– Столлар, чироқлар, ранглар... Нозик дид эгасининг кўли теккани билиниб турибди. Жуда ажойиб фикр, жудаям гўзал! Аввал ҳеч бундай жойда ўтирмаган эдим. Табриклайман, безаклар, чиндан ҳам, антиқа!

– Сизнинг гўзал нигоҳларингиз билан ҳаммаси тўқис бўлди, назаримда. Эшигим ҳар доим сиз учун очик, Зайнаб хоним! Ҳар доим кутиб қоламан!

Умид қилганларимизни, чиндан ҳам, кутамизми? Бизда бор деб ўйлаганларимизга келгуси йилда ҳам эга бўлиш учун яна нималарни кутишимиз мумкин?..

Сабрлимизми, чидамлимизми?..

Бир она боласини кутганидек, йўлларда қолган кўзлардек, баҳорни интиқиб кутган уруғдек кута оламизми?..

Йўқса пиёладаги чой совийди, юраклар кулга айланади, ҳаётга ҳамоҳанг наво ўзгарадими?..

Ҳаммаси ҳам майли-ю, чойни совитиб қўйишмасин-да, уни куттириб қўйишмасин-да. Чунки таъми аччиқлашиб қолади. Ичса бўлади-ю, аччиқ чойни ютимлаш қийин-да...

Тахминан уч ойча ўтган, оралик имтиҳонларнинг вақти келиб, шошиб қолгандик. Пўртахол исли кунлардан кактус таъмли кечаларга тушиб қолдим. Эрталабгача дарс тайёрласам ҳам, бўлмаяпти. Бир ҳафтада шунча нарсага қандай улгуриш мумкин?.. Шунча мавзуни қачон ўта қолдингиз, устоз? Бизда қасдингиз борми? Бу семестрда шунча талабани йиқитаман, деб бошқа устозлар билан беллашяпсизми? “Бу сафар беш талабамни йиқитаман, йўқ, ўн нафар бўлақолсин! Йўқ, яхшиси, ҳаммасини йиқитаман!”

“Ҳар кунги дарс билан ўша кунни шуғуллан” деган ўғит эсимга тушиб, ичимни тирнашга киришган пайт кўзим Миттивойга тушди. Кечаси соат уч ярим, у эса менга қараб турарди. Ўзим ухламаганим камдек, уни ҳам ухлатмаяпман. Оҳ, қушчам, қафасингга бирор нарса ташлаб қўяй, сен ухлагин. Яхшиси, ўзим ҳам устимга бирор нарса ташлаб, озроқ ухлаб олай. Эрталаб барвақт туриб, яна дарсларга шўнғийман. Йўқса биринчи имтиҳонларданок йиқилишим тайин!

Телефоннинг тинимсиз жиринглашидан уйғониб кетдим. Телефонни кўлимга олишим билан овози ўчди. Саккизта жавобсиз кўнғироқ нималигини биласизми?! Айниқса, кўнғироқ қилган инсон онангиз бўлса!

– Алло, онажон?..

– Зайнааб!..

Хавотири ғазабга айланган онам тинмай гапирар, гапини бўлиб, “Ухлаётгандим” дейишим шунчалар маънисиз эдики, жимгина кулоқ солиб ўтирдим. Ниҳоят, сабрим тугаб, исён кўтаришга тайёрланаётганимда онам хатти-ҳаракатларимни тушуна олмаётганини, агар аҳвол шундай давом этса, уйга қайтишимга тўғри келишини айтаётган эди. Ҳолбуки, шунчаки ухлаб қолганим учун кўнғироқларни эшитмадим. Шунча ваҳиманинг нима кераги бор?..

Телефонни ўчириб, соатга қарадим-у, кўзим кинидан чиқаёзди. Бўлиши мумкин эмас! Кун охирлай деб қолибди, хали ёдлашим керак бўлган қанча нарса бор! Қизлар бу оқшом биргаликда дарс тайёрлашмоқчи эди, уларга кўшилиш учун қаерда бўлишларини сўрадим. Чунки энди қайсарлик билан бир ўзим дарс тайёрлай олмаслигимга кўзим етганди. Аслида қаерда эканликларини сўрашга хожат йўқ, борадиган жойлари маълум. Оёғимни кўлимга олиб, у ерга етиб боришим ва зудлик билан ёдлашга киришишим керак. Шу пайтгача “Университетга

кириб олгин, бемалол бўласан”, деб алдашган экан. Бутун машаққатлар шу кечадан эътиборан бошлашидан мутлақо беҳабар ҳолда Миттивой билан хайрлашдим-да, ташқарига отилдим.

Қизларнинг энг аълочи талабалардек дарс тайёрлашини кўриб, ўзимдан шубҳалана бошладим. Қандай уддалашяпти? Ахир дарсларга деярли киришмаган-ку. Мен улардан кўпроқ кирганман дарсларга, неча кундан бери эрталабгача дарс қилиб чиқяпман. Лекин шариллатиб ёзиб ташлашларини кўриб, саволларни қандай ечишаётганини ҳеч тушуна олмадим. Худди шу пайт ичимни нимадир ғижимлаб ўтди: менга нималар бўляпти? Чиндан ҳам, онам мени таний олмайдиган даражада ўзгардимми? Ёки ичимдаги шунчаки ноўрин саросимами?..

Қоғозларга тикилиб қолганимни кўрган қизлар ўша заҳоти сирларини очишди. Йигитларимизнинг бир дўсти университетнинг энг аълочи талабаларидан экан, эрталаб у билан бирга шуғулланишибди. Қизлар қанча тушунтиришга уринишса-да, мавзудан беҳабар бўлганим учун ҳеч вақони тушунмаётган эдим. Охири, улар бу ишни Ардага юклашди. У эса ён столда бемалол шуғулланишимиз мумкинлигини айтди. Худди шуни кутиб тургандек! Бундай имкониятни қўлдан бой бериб бўлмайди-да!..

Ниҳоят, бир неча соатдан кейин мавзуни тушуниб етиб, масалаларни еча оладиган бўлдим. Арда қачон хоҳласам, бирга шуғулланишимиз мумкинлигини

айтаётганида нигоҳларини юрагимнинг бир ерларида ҳис қилгандек бўлдим. Ҳатто ўзимдан ҳам яширишни истаган хаяжон бор эди ичимда. Бир томоним бу ҳолатга қарши чиқишга уринар, иккинчи томоним эса уни ғоят босиқлик билан қарши оларди. Мен билиб турган – аммо яшираётган, кўриб турган – бироқ у ҳақда оғиз очолмаётган, эшитаётган – лекин эшитмаётганга олаётган нарса эди бу. Қандай жавоб кайтаришни билолмай каловланаётган эдимки, бизнинг гитарачи ҳовлиққанча кириб келди.

– Сизларга ажойиб хабарим бор! Қани, йиғиштиринглар нарсаларингни! Икки соатдан кейин сахнага чиқаман, ҳаммангиз келасиз!

Жуда севиндим, лекин имтиҳонлар нима бўлади? Агар борсам, тайёрланишга улгура олмаслигим аниқ, бугун эрталаб ҳам ухлаб қолганман. Қизлар кетма-кет унинг бўйнига осилиб табриклаётган маҳал мен қандай баҳоналар ўйлаб топишим ҳақида ўйлаётган эдим. Ишонарли деб ҳисобламаганим учун тўртинчи баҳонамни ҳам зеҳнимдан ўчирдим. Улар билан бирга боришдан бошқа чорам йўқ эди.

– Аввал дўконга кириб, бир-иккита нарса олишим керак. Сизлар бораверинглар, орқаларингдан етиб бораман, лекин манзилни айтиб кетинглар, – дея олдим аранг.

Арда эса у жойни билишини, бирга боришимиз мумкинлигини айтди. Биринчи марта қаергадир бирга борамиз... Бу менга қанчалик ёққан бўлса-да,

шунчалик асабийлашаётган эдим. Айтдим-ку, ичим-даги хаяжон алланечук бошқача, уни зудлик билан тўхтатишим керак...

* * *

Дўкондан ётоқхонага қайтганимизда, Арда кўлим-даги халталарни олиб, калитни топишимни кутаётган эди. Гоҳида шу елкамдаги сумка эмас, каттакон чамадондек туюлиб кетади. Қора тешиги бор чамадон! Ичидаги нарсаларни бирданига топиб бўлмайди!

– Бу ерда калитни топа олмайман, шекилли, хонамга борганимда топарман. Халталарни берақол, катта раҳмат, – дея кўлимни узатдим.

– Йўк, халталарни хонанггача олиб бораман, ўша ерда калитни бемалол қидирасан, – дея дархол жавоб қайтарди Арда.

Тилим тутилиб қолгандек ғиринг демай унинг ортидан эргашдим. Хонамнинг эшигига етиб борганимизда калит дарров топила қолди. Эшикни очаётганимда мени қандайдир тушуниксиз ҳис чулғаб олганди. Халталарни дуч келган томонга ирғитдим-да, Миттивойга кўл силтадим ва вақтни ўтказмай ташқарига чиқдим. Эшикни қулфлаётиб миямда чакмоқ чакқандек бўлди ва синчковлик билан унга тикилдим.

– Хонамнинг бу қаватда эканлигини қаердан биласан? Айтайлик, тахмин қилдинг ва тахмининг

тўғри чикди. Лекин бу каватда шунча эшикнинг орасидан айнан шуниси меники эканлигини қаердан била қолдинг?..

Бу тасодиф эмас, тасодиф бўлиши мумкин эмас. Ўша кеча эшикнинг олдида пойабзалимни ечаётган онлар эсимга тушиб кетди. Шундоққина эшикнинг ёнида бир жуфт кўк пойабзал турганди. Бу эркак пойабзали, кимники эканлигини билмайман. Қизиқ, болалигимда эртақларни ортиқча айтиб юборишганмикин менга. Элас-элас эсимда қолган бу пойабзалнинг эгасини болалигимда эшитган эртақдаги каби қидиришга тушаманми энди?..

Мияда хаёллар ғужғон ўйнар экан, ҳали ҳам унинг юзига тикилиб турганимни ва саволимга жавоб қайтармаганини сезиб қолдим. Ҳа, бунақа нарсалар фақат киноларда бўлмас экан: худди шу маҳал телефон жиринглади ва бизни кутишаётгани учун ҳеч нарса демай зудлик билан ётоқхонадан чикдик.

* * *

Атрофда ёниб-ўчаётган чироқлар ва дўстларимнинг ёнимда эканлиги берган завққа ҳужайраларимгача титратиб юборган мусиқанинг товуши кўшилди. Гумбирлаётган оҳангни бутун баданимда ҳис қилдим. Ўнг қўлимни қўйсам, юрагимнинг қандай ураётгани аниқ-тиниқ сезиляпти. Гўёки этлариму устухонларим ҳам ўйнамоқчи бўлар, бада-

ним иккига бўлинган-у, бир-бири билан тўқнашяпти. Сал туриб ўнг томонимдан бир фариштанинг, чап томонимдан эса шайтоннинг чиқиб, икковлоннинг ўзаро жангга киришишини кутяпман. Бир томоним мендан нималар қилаётганимни сўраяпти, иккинчи томоним эса бу лаҳзалардан завқ олишим кераклигини уқтиряпти. Бир томоним бу шаҳарга келмасимдан олдин қандай бўлганимни эслатяпти, иккинчи томоним эса оиламнинг ёнига, уйга қайтганимда бундай кунларни топа олмаслигимни шивирляяпти. Бир томоним кўлимдан тортқилаганча мени бу ердан олиб кетишни, иккинчи томоним эса оёқларимни шу ерга михлаб қўйишни истаяпти...

Официант ичкиликларни столга қўйиб кетди. Бирданига кўз олдим қоронғилашди. Бўғилиб кетяпман, нафас олишим қийинлашяпти. Ҳожатхонага бориб келишимни айтиб, ўзимни шу муҳитдан бир неча дақиқага узоқлаштиришни истадим. Пардозим ўчмайдиган қилиб юзимга сув сепдим, оқиб кетган тушимни артмоқчи бўлган эдимки, ҳали ҳам ақлим етмаётган ўша кеча эсимга тушди. Кеча қандай бошланган эди? Мен бир неча соат учун борган ўтиришда ҳаётимда ҳатто номини ҳам тилга олмайдиган нарсани қандай қилиб вужудим билан бирлаштирдим? Мен қандай қилиб гиёҳванд модда истеъмол қилдим? Қандай қилиб ўз қоидаларимга қарши чиқдим?..

Хўш, ҳозир-чи? Ҳозир нималар бўляпти? Ичкиликдан ҳазар қиладиган мен уйимизга ҳеч қачон

олиб кирилмаган нарсани ичаманми? Ёки ўзимни асрашнинг уддасидан чиқа оламанми? Ҳатто ётоқхонага қай аҳволда қайтганимни ҳам эслолмаяпман, бу эса мени янада эзяпти. Мен йўл қўйган хатодан каттароғи бор-йўқлигини ҳам билолмаяпман. Рўпарада ўзимни кўрганим сайин ичимдаги овозларнинг ғала-ғовури янада баландроқ эшитиляпти. Хаёлларим ва хисларим ўртасидаги жанжал пайтида сумкамдан лаб бўёғимни олиб, лабимга суришга ури-наётганимда ичкарига икки қиз кириб келди. Уларнинг кийимидан қиз бўлиб ҳатто мен ҳам уялиб кетдим, қизларнинг эса парвойи палак, ҳолларидан бағоят мамнунлар. Уст-бошимга қараб, ўзимни тартибга келтира бошладим. Йўқ, бундай қилмайман, бунга асло йўл қўймайман! Ҳаммага ўзимни кўз-кўз қилган кўйда кўчага чикмайман! Шошма-шошма, ҳурматли ўзим, вужудинг гиёҳванд модда билан танишаётганида “асло йўл қўймайман” деган қароринг қаерда қолганди?..

“Бунга асло йўл қўймайман” деганларим орасида нималар қилиб юрибман ўзи? [Кузатиш қўл уришдан аввалги босқич эмасми?] Биринчи гуноҳ ва биринчи савоб қийин, кейингилари осон бўларди-ку, нима қилиб юрибсан сен бу ерда? Яна кимдир сенинг бу аҳволингдан ҳаё қиляпти, шуни сезяпсанми? Бунчалар машаққат ичида, ўзингни беғона ҳис қилаётганинг бу жойда, айт-чи, нималар қиляпсан?..

Қандайдир маъно бериш учун менга қанчалар узок тикилиб қолишади. Ҳолбуки, мен, ҳақиқатан, уларга бегонаман!

“Буни ўзингизга нима учун раво кўряпсиз? Нега?” дея савол бердим пичирлабгина. Хўш, нима учун буни ўзимга раво кўряпман, нега? Овозимни ҳатто ўзим ҳам эшитмадим. Қўлимдаги лаб бўёғи билан кўзгуга қип-қизил қилиб каттагина сўроқ белгисини чиздим. Келганлар кўрсин, савол беришсин! Балки, ўзликлари томон сафарга чиқишар...

Ётоқхонага қайтишим керак, деган ўйда тезгина у ердан чиқдим. Айни пайтда ягона истагим – кўрпага бурканганча соатлаб яшириниб ётиш. Ҳаммадан ҳам кўпроқ ўзимдан яширинмоқчиман, ўзимга беришга кўрққаним жавоблардан яширинмоқчиман. Илдам қадамлар билан столга яқинлашганимда атрофга мутлақо бегона нигоҳ билан қараётган эдим.

Столда ҳеч ким йўқ. Қаердандир “Зайнаб!” деган овоз эшитилди, лекин овознинг эгаси ҳам ичимдаги ҳисларга бегона туюлиб кетди. Ўгирилиб қарасам, овоз гитарачимизнинг қўлидаги микрофондан чиққанини, каттакон сахнани бизнинг гуруҳ эгаллаб олганини кўрдим. Мени чақиришяпти! Ҳолбуки, мен уларга ётоқхонага қайтишим кераклигини айтмоқчи эдим. Бўлмайди, ортиқ қололмайман бу ерда, бўғилиб кетяпман. [Худди кимдир бўғзимга ёпишиб олган-у, мени кўйиб юборгиси келмаётгандек. Виждонми бу, мантиқми ёки ўзимми?] Ни-

малар дейишни ўйлаганча сахнага яқинлашдим. Энди оғиз жуфтлайман дегандим, кимдир кўлимдан ушлаганча тортқилади. Мусиқанинг овози янада баландлади, сахна бузилиб кетгудай бўлар, мен эса уларнинг орасида қолдим. На биров овозимни эшитади, на нигоҳларимдаги кўрқувни уқади. Гира-шира сахнада, ўйноқи чироқлар остида рўпарамдаги одамларнинг юзини дам-бадам кўриб қоляпман. Телбаларча ўйнашяпти, ҳа, ақлдан озганга ўхшашяпти. “Аслида менинг руҳим хаста, менга ёрдам беринглар!” деганга ўхшайди. Шу алпозда неча дақиқа тек қотдим, орадан неча дақиқа ўтди, билмайман, лекин энди кўлимдан ҳеч нарса келмаслигини тушундим. Бир томоним бор овози билан “Бас!” деб бақиргиси келяпти, иккинчи томоним эса “Барибир сени ҳеч ким эшитмайди, уларга қўшил”, деяпти. Нима истаганимни билмайман-у, ўша пайт Арданинг қўл узатаётганини кўрдим ва... у билан рақсга туша бошладим.

Шунчалар берилиб кетдимки, ўзимни жуда ҳам енгил ҳис қиляпман. Энди бўғилмаяпман, чақалокдай бемалол нафас оляпман. Ўйлашни истаган нарсаларимни ўйламаяпман, қайси томонга тортқилансам, ўша ёқда бўлиб қоляпман. Бошқа бировнинг танасига кириб қолгандекман гўё. Официант столимизга тинимсиз қатнаяпти, лекин энди бошим айлана бошлади. Яна бир қадахни кўтара олмайман. Бизникилар эса қадахлар келиши билан

бир кўтаришда сипқоришяпти-да, яна мусиқанинг оҳангига мослашиб олишяпти. Ошқозоним ортиқча бардош беролмаслигини эълон қилди-ю, зинғиллаганча ҳожатхонага равона бўлдим. У ерда қанча вақт ва қандай аҳволда қолганимни билмайман. Вужудимда шунчалар чарчоқ бор эдики, сал ўзимга келганимда шундоққина унитазнинг олдида, мен ҳатто оёқ босишга ҳам ижирғанадиган жойда ўтирганимни кўрдим. Ўзимга келишим, ётоқхонанинг йўлини топишим зарур, бу аҳволимни ҳатто ўзимдан ҳам яширишим керак. Савдо марказларининг ҳожатхоналаридаги ўша бадбўйликни кун келиб ичкиликнинг хидига алмашишимни ҳатто тасаввур қилмаганман. Кислород билан эмас, шу ирганч хид билан нафас олаётгандекман. Бет-кўлимни ювмоқчи бўлганимда ҳафсала билан қилган пардозим қандай аҳволга келганини ойнада кўриб қолдим. Бу кўринишимни ҳеч ким кўрмаслиги керак. Юзимни ювдим, сочимни тартибга келтирдим. Энди яхшироқман, яхши бўлишга мажбурман. Ҳожатхонадан чиқишда, эшикнинг шундоққина ўнг томонидаги ойнада бир белги эътиборимни тортди. Сал олдин ўзим уддасидан чиқа олмайдиган қарорлар қабул қилганимда, келганлар кўриб фикр юритсин деб мен кўйиб кетган қизил сўроқ белгисининг олдида ундан ҳам қизилроқ тусда каттагина ундов белгиси турарди... Ким чизди бунни? Нималарни ўйлаган, хаёлидан нималар ўтган? Ундов белгисини нима

мақсадда кўйганини билмадим-у, айна пайтда ҳатто ўзимнинг кўзимга ҳам қарай олмаяпман. Чиндан ҳам, ётоқхонага қайтадиган пайт келди!

* * *

Хонамга тонгга яқин кириб келдим. Ухласам, имтиҳонга кеч қоламан, ухламасам, имтиҳонда ухлаб қоламан. Мавзуларни такрорлашга умуман вақтим йўқ. Қарасам, имтиҳонга боришдан олдин бир ярим соат ухлаб олишим мумкин экан. Соат – эрталабки беш. Телефонимда бир дақиқалик оралиқлар билан нақ ўнта кўнғироқ белгиладим. Албатта уйғонишим ва имтиҳонга боришим керак. Лекин барибир хотиржам бўлолмадим, чунки уйқусиз қолган пайтларимда ҳатто кўнғироқнинг овози ҳам мени уйғота олмаслигини биламан. Энди чўзилмоқчи бўлганимда эсимга онам тушди. Бу пайтда бомдодга турган бўлади, мени уйғотиб қўйишини айтаман унга.

– Онажон, яхшимисиз?..

– Зайнаб, болам! Яхшиям, ўзинг кўнғироқ қилдинг. Намоздан олдин ёмон босинқирабман-ей, қанчалик кўлимни узатсам ҳам, сени қутқариб, ёруғликка олиб чиқа олмадим. Сенинг ҳақингга дуо қилаётган эдим ҳамки, кўнғироқ қилдинг. Нима бўлди, яхшимисан, болам? Нега шу пайтгача ухламадинг? Имтиҳонинг борлигини айтган эдинг-ку?!

Тилим тутилиб қолди. Онаминг “Сенинг ҳақингга дуо қилаётган эдим” деган гапи хаёлимни банд қилиб олди. Гапирсам, йиғлаб юбораман, гапирмасам, хавотирга кўяман.

– Онажон, мен...

Давом эттиришга на сўз топа оляпман, на мажолим етяпти. Ёшлар кўзимдан эмас, нақ ўпкамдан келаётгандек. Юрагим тўлиб кетган, руҳим чинқираётгандек. Ўзимни жарлик томон думалаб кетаётгандек ҳис қилдим. Онам минг хавотирда нима учун йиғлаётганимни сўраяпти. Менинг эса овозим чиқмаяпти, бир оғиз жавоб қайтара олмаяпман. Нима дейин? Сиз босинқираган пайтда қизингиз барда дўстлари билан ичкилик ичаётган, бегона эркакнинг кўйнида рақс тушаётган эди дейми? Қандай қилиб айтаман буни? Айтолмайман! Ахир бу мен эмасман-ку!

Сиз дуо қилаётган пайтда мен ичкиликнинг кўнгилини оздирадиган ҳидидан қутулиш, ҳушимни ўзимга келтириш учун унитазнинг олдида ўтирганча қусаётган эдим дейми?..

Йиғлаяпман, шунчаки йиғлаяпман. Кўз ёшларим тугагунча йиғлашни истайман! Онаминг “Дарҳол чипта оламан-да, ёнингга бораман” деган гапидан ҳушёр тортдим. Йўқ, келмаслиги керак. Бу аҳволимни кўрмаслиги керак.

– Йўқ, онажон! Яхшиман. Мен... овозингизни эшитиб, сизни қанчалик соғинганимни ҳис қил-

дим. Эрталабгача имтиҳонга тайёрландим, шунинг учун ухламадим. Мендан хавотир олманг, яхшиман. Соат олти яримда уйғотиб қўя оласизми дейиш учун кўнғироқ қилгандим.

Онамга ёлғон гапириш юрагимни баттар парчалади, лекин бошқа чорам йўқ. Ярим соат йиғлагандан кейин онамнинг юрагида ҳадик қолдирганча телефонни ўчирдим. Энди на ухлайдиган, на ўзимдан нималарнидир сўрайдиган аҳволдаман. Қусаверишдан, йиғидан кўзларим шишиб кетди. Жавоби йўқ саволларни тинч қўйиш керак, акс ҳолда бу ҳаётда яшаш қийинлашиб кетади, деган эдим-ку, яна саволларни бир томонга, ўзимни эса бошқа томонга ирғитишимга тўғри келяпти. Оҳ, Миттивой, менинг чиройли қушим. Сени бу хонада ёлғиз қолдирмасликка сўз берган эдим, а? [Кел, бироз дардлашайлик. Сен шу қафаснинг ичида қандай яшаётганингдан гапир, мен эса дунё қафасининг ичида қандай типирчилаётганим ҳақида айтиб бераман. Майлими?]

[Миттивойдан кўлимни олмоқчи бўлар эканман, на дони, на суви қолганини кўриб қолдим! Мен уни ёлғиз қолдирмасликка сўз бергандим, холбуки, егани бир дона дони, ичгани бир томчи суви қолмабди... Мени кечир, Миттивой, илтимос, кечир. Мана сув, донинг қаерда эди? Ҳа-я, мана. Ўтинам, мени кечир!

Имтиҳондан кейин кун бўйи ухладим. Имтиҳонда эса учинчи саволда ухлаб қолган эканман, домланинг қўлимни туртишидан уйғониб кетдим. Шундан кейин охиригача хушёр ўтирдим-да, тугаши билан ётоқхонага югурдим. Ухлайдиган пайт келди!

Қандай ажойиб нарсасан, эй уйқу! Қандай ажиб сассизлик бор кучоғингда!..

Тушимнинг энг қизиқ жойида эшикнинг тақиллашидан уйғониб кетмагунимга қадар уйқу салтанатида мириқиб ором олаётган эдим. Эшикнинг тақиллашини эшитмаганга оламан десам, айни пайтда телефон ҳам жиринглаб ўрнимдан туришга мажбур қилди. Эшикнинг олдида ким бор экан? Албатта, Арда! Кафеда мени кутишаётганини айтгани келибди. Мени ўзи билан бирга олиб кетишига шунчалар ишончи комил эдики, сал қолса хонамгача кириб келарди. Лекин унга пастда кутиб турса, боришимни айтиб, эшикни ёпдим. Апил-тапил кийинаётиб ўзим ҳам кафега боришни истаётганимни сезиб қолдим.

Муюлишга етганимизда кафе томонга эмас, кулганча соҳил томонга бурилди. Ҳали оғзимни очиб улгурмасимдан:

– Савол бериш тақикланади! – деди.

Нималар бўлаётганини тушунмаётган бўлсамда, ичимда алланечук ёқимли ҳаяжон бор эди. Хаёлимдан турли-туман “шекилли”лар ўта бошлади. Соҳилга етиб борганимизда бу “шекилли”ларнинг ҳеч бир тўғри эмаслигини кўрдим. Нарирокда, қумлоқда велосипед, унинг ёнгинасида – қирмизи катакли дастурхоннинг устида сайр савати турарди. Кафега биринчи марта борганимда менга жуда ёқиб қолган, устига чой ва шоколадли печенье кўйилган дастурхон бор эди-ку, худда ўша! Юзимдаги табассум ичимдаги ўйларни аллақачон фош қилиб бўлганди.

– Бизникилар йўқ, шекилли?..

– Йўқ, бугун фақат сен борсан, Зайнаб...

Мен учун эди бу сюрприз, бу сават ҳам, айтиладиган барча сўзлар ҳам мен учун! Айни дамдаги босиқлигимни кўрганлар “Мунча ҳам ўзига ишончи баланд” экан деб ўйлаши тайин, лекин ичимда аллақачон бўрон бошланиб бўлган, айтадиган гапларим икки дақиқа ўйлагандан кейингина тилимга кўчяпти. Саватга узатилган қўлимнинг титрашини яшириш учун ўзимни ҳар кўйга соляпман.

Ҳой юрагим, ўзингга кел!..

Аммо бу чақиригим шунчалар кеч ва ўринсиз бўлдики, энди ўзимни қўлга ололмаётган эдим.

Орадан йиллар ўтиб, ўша кеча ҳақида Хотира музейимга ушбу сатрларни кўшиб кўйдим:

“Эртагимнинг маликаси бўлмиш мен оқ отли шаҳзодани кутар эканман, йўлда учраган биринчи отлиққа кўнглим суст кетди. Эҳтимол, кутганим рўй берди деб ўйлагандирман. Университетга киргунга қадар ҳеч кимга қалбининг ҳатто дарчасини ҳам очмаган қиз бугун соҳилдан “Миттивой” ўлароқ кетди. Севикли ўзим! Билки, юрагингдаги ҳаяжон кун келиб оғриққа айланиши мумкин. Уни яқиндан таниб олишинг, тўғриларни янглишлардан ажрата олишинг учун ўзим сенга замхўрлик қиламан. Хафа бўлишингни асло истамайман. Шу сабабли муюлишлардан бурилаётиб қўлингдан ушлаб оламан ва йиқилиб тушмаслигинг учун курашаман. Агар қачондир тойиб қўлимдан чиқиб кетсанг ва йиқилиб тушсанг, билгинки, сени тургазиб қўядиган яна мен бўламан”.

Ўша оқшом хаёлингда турли ўйлар билан кафега кетар экансан, у ердан “Миттивой” бўлиб чиқшингни билмаган эдинг. Елкангга тегинган ўша бегона қўлнинг эгасини бугун яқиндан танишни, чарчаган дамларингда елкасига бошингни қўйишни истаяпсан. Энди сени қийнаган саволларнинг жавоби аниқ. Соҳилга келишинг билан кўзинг тушган кўк пойабзални қаерда кўрганингни эсладинг. Сен илк бор таслим бўлганингда, илк бор гиёҳванд мода билан танишганингда хонангга сени ким олиб келганини энди биласан. Бироқ бу ҳақда ундан сўролмайсан. Умрингнинг охиригача ўзингдан ҳам

яширишни истайдиган ўша расвогарчиликнинг яна бир гувоҳи борлиги елкангга оғир юк бўлиб чўкди. Тун бўйи қушингнинг номини алаҳсиб чиқиб ўз исмингни қандай қилиб қўйганингдан ҳам энди хабардорсан. Сен босиб ўтмоқчи бўлган йўлда яна бир марта хатога йўл қўймаслик учун ҳар қадамда хушёр бўлишинг керак. Қулоғингга қуйилган ўша гапда айтилганидек, сен ҳам хуш келибсан менинг дунёмга... Худди у айтганидек:

– Хуш келибсан, Миттивойим, хуш келибсан...



Юрагимга баҳор келгани учунми ҳар томондан ипор келяпти ёки ҳар ёқдан ёқимли ис таралаётгани учун ичимда капалаклар учяптими? Дарвоқе, қаерда эди бу капалаклар? Қаерга кўнади улар? Қаерга учиб кетади? Ўлдиришмасин уларни, токи ҳар томондан баҳорнинг иси келиб турсин.

Ажойиб кунда очдим кўзимни. Қуёш тик келган бўлса-да, куйдирмаяпти, гўё мени эркалатяпти, илиқ нурлари билан силаб-сийпалаяпти. Имтиҳонлар йўқ, истаганча пинакка кетишим мумкин. Кечадан қолган хотиралар юрагимни сиқишни бас қилса, албатта.

Мириқиб ухлабман. Соат неча бўлганига қизиқиб қўлимни телефонга узатган эдимки, хабар келганини кўрдим. “Хайрли тонг” тилаги бўлса керак, шундай эмасми? Тезгина уриб кетган югаримнинг товуши Миттивойни уйғотиб юборди чоғи, хонада у ёқдан-бу ёққа учиб, тинимсиз чуғурлай бошлади. Қизик, нималар деяётган экан? Келақол, Миттивой, озроқ тинчлан. Чиройли патларингни силаб кўяйми? Айт-чи, қай юртлардан учиб келдинг бу ерга?

Қандай топдинг менинг деразамни, қандай тақиллатдинг ойнани кичкинагина тумшуғинг билан? Шундай хузур бағишлайсанки, келганинг жуда соз бўлди-да! Биласанми, Миттивой, ичимнинг қаеридадир ғалати ҳаяжон бор. Машиналар тинмайдиган йўлдаги қатновга ўхшаб у ҳам ҳеч тўхтамайди. Бир томондан шундай нарсаки, яна худди шу жойда, мана шу ерда оғир юк борга ўхшайди. Елкамни кўтара олмайдиган даражада чарчагандекман, аллақандай янглишларнинг оғирлиги мени босиб кўяётгандек. Тугаган шампуннинг идишига сув тўлдириб чайқагандекман, қуввати тугаган батареяларнинг ўрнини алмаштириб умид қилгандекман... Шунақа бўшлиқ бор ичимда... Майли, кўп бошингни қотирмай, Миттивой. Кел, хабарни очиб ўқийлик-чи, нима ҳақида экан.

Хайрли тонг тилаги ҳам гапми, ярим соат олдин бошланиши керак бўлган нонуштага таклиф экан. Ахир мен тайёр эмасман-ку! Қанотларингни бериб тура оласанми, Миттивой? Учишим керак бўлиб қолди!

* * *

Биринчи марта ҳайрон бўлганча киргандим бу ерга, энди эса катак-катак дастурхонидан кўпрок маънога эга мен учун. Рўпарамдаги стол шунчалик тўкинки, ҳатто қараб туриб тўйиб қолишим мумкин.

Юрагимга баҳор келгани учунми ҳар томондан ипор келяпти ёки ҳар ёқдан ёқимли ис таралаётгани учун ичимда капалаклар учяптими? Дарвоқе, қаерда эди бу капалаклар? Қаерга кўнади улар? Қаерга учиб кетади? Ўлдиришмасин уларни, токи ҳар томондан баҳорнинг иси келиб турсин.

Ажойиб кунда очдим кўзимни. Қуёш тик келган бўлса-да, куйдирмаяпти, гўё мени эркалатяпти, илиқ нурлари билан силаб-сийпалаяпти. Имтиҳонлар йўқ, истаганча пинакка кетишим мумкин. Кечадан қолган хотиралар юрагимни сиқишни бас қилса, албатта.

Мириқиб ухлабман. Соат неча бўлганига қизиқиб қўлимни телефонга узатган эдимки, хабар келганини кўрдим. “Хайрли тонг” тилаги бўлса керак, шундай эмасми? Тезгина уриб кетган югаримнинг товуши Миттивойни уйғотиб юборди чоғи, хонада у ёқдан-бу ёққа учиб, тинимсиз чуғурлай бошлади. Қизик, нималар деяётган экан? Келақол, Миттивой, озроқ тинчлан. Чиройли патларингни силаб кўяйми? Айт-чи, қай юртлардан учиб келдинг бу ерга?

Қандай топдинг менинг деразамни, қандай тақиллатдинг ойнани кичкинагина тумшуғинг билан? Шундай хузур бағишлайсанки, келганинг жуда соз бўлди-да! Биласанми, Миттивой, ичимнинг қаеридадир ғалати ҳаяжон бор. Машиналар тинмайдиган йўлдаги қатновга ўхшаб у ҳам ҳеч тўхтамайди. Бир томондан шундай нарсаки, яна худди шу жойда, мана шу ерда оғир юк борга ўхшайди. Елкамни кўтара олмайдиган даражада чарчагандекман, аллақандай янглишларнинг оғирлиги мени босиб кўяётгандек. Тугаган шампуннинг идишига сув тўлдириб чайқагандекман, қуввати тугаган батареяларнинг ўрнини алмаштириб умид қилгандекман... Шунақа бўшлиқ бор ичимда... Майли, кўп бошингни қотирмай, Миттивой. Кел, хабарни очиб ўқийлик-чи, нима ҳақида экан.

Хайрли тонг тилаги ҳам гапми, ярим соат олдин бошланиши керак бўлган нонуштага таклиф экан. Ахир мен тайёр эмасман-ку! Қанотларингни бериб тура оласанми, Миттивой? Учишим керак бўлиб қолди!

* * *

Биринчи марта ҳайрон бўлганча киргандим бу ерга, энди эса катак-катак дастурхонидан кўпрок маънога эга мен учун. Рўпарамдаги стол шунчалик тўкинки, ҳатто қараб туриб тўйиб қолишим мумкин.

Бошимнинг тепасидаги шохлардан осилиб турган чироқлар, кўм-кўк тусли стул... Оҳ, мен ўқиш учун келган шаҳар эмасдек бу ер. Мисоли денгиз қирғоғидаги уйнинг балконида нонушта қиляпман. Стол устидаги гуллар мунча чиройли! Ҳаяжонимни сездирмаслик учун ўзимни кўрмаганга олганимни айтишимга ҳожат йўқ.

Таъби нозикка ўхшайди, акс ҳолда гулларни бу ерга қўймаган бўларди дея ўйлаганча оҳиста қадамлар билан столга яқинлашдим. Нега кеч қолганимни тушунтирмоқчи эдим, лекин қаршимдаги табассумни кўришим билан жимиб қолдим. Авваллари қачондир кимдир сен учун мана шундай кулимсирайди дейишганида ишонмаган бўлардим. Оҳ, Миттивой, сен ҳам шу ерда бўлишинг, столнинг мана шу бурчагида туришинг керак эди.

Ўтиришим биланок гулларни тўйиб-тўйиб ҳидладим. Жуда ҳам очиқибмиз, анжир мураббосига бир пайтда қошиқ ботирганимизни билмай қолдик. Пича тикилишиб турганимиздан кейин мени кун бўйи тарк этмайдиган ҳайрат чулғаб олди. Хафа қилиб қўйишим мумкин деб ўйлаб ўтирмай, столнинг қоқ ўртасида менга кулимсираб қараб турган гулларни столнинг бир четига олиб қўйди. Бамисоли ирғитиб юборди! Кейин ҳатто менга қараб ҳам қўймай, апил-тапил нонуштани давом эттирди. Сукунатни эса кечаси соат ўн иккида бошланадиган ўтиришни айтиш билан бузди. Оиламнинг ёнида

бўлсам, у вақтда ухлаб ётган бўламан. Энди эса кун мен учун худди ярим тунда бошланадигандек, барча режамни ўша вақтга мўлжаллаб тузаяпман. Бир томоним бундан телбаларча ҳузур қиляпти, иккинчи томоним эса ундай муҳитда нафас ололмай бўғилиб кетяпти. Нима десам деяйин, бизникилар мени олмай кетишмасди ўша ўтиришга. Ўзимга бу ёшим қайтиб келмаслигини, бу имкониятларни қайтиб топа олмаслигимни айтганим сайин кечаси ўн икки ёқимли туюла бошляпти. Не ажабки, вақт масаласини бир четга суриб, эгнимга нима кийишни ўйлай бошладим. Қайси сумкани танлашни ўйлаётганимда телефон жиринглаб, онаминг кўнғироқ қилаётганини кўрдим-у, типирчилаб қолдим. Ўша тонгдан бери нукул хавотир олаётган, кўлига телефон тушиши билан менга кўнғироқ қилаётган эди. Энг яқин сирдошим бўлган онамга энди пайдар-пай ёлғон гапирар, ёлғонлар ортгани сари эзилиб кетаётган эдим.

Бугун вақтлироқ ётиб ухлайман деган ёлғон билан ўзимча онамни тинчлантирган бўлдим-да, телефонни ўчирдим. [Менга нима бўляпти: улғайяпманми ёки ўзлигимдан узоқлашяпманми? Катта бўляпманми ёки ичимдаги қизалоқнинг соф эртақларини ярим тунда улкан қовоққа айлантиряпман деб ўйляяпманми? Кечаси соатнинг ўн иккидан ўтиши менда ўша қовоққа ўхшаш ўтмиш қолдиришини қачон тушуниб етаман?..]

Мўл қаҳқаҳалар билан бошланган кечанинг дастлабки ярим соатидан кейин столга кетма-кет келаётган қадахларга қарамаслик учун рўпарадаги деворга тушаётган нурларнинг деярли ҳаммасини санаб чиқдим. Арда менга тикилганча ёнимга яқинлашар экан, шунчалар уялдимки... Ҳолбуки, мен ҳам унга қарашни истаяпман-у, нигоҳларим у томонга ўгирилиши билан кўзимнинг ичи қизиб боряпти, бамисоли оловга яқиндан қараётгандекман, кўзларим ўз-ўзидан юмилиб кетяпти. Мен қаршилик кўрсатганим сайин қовоқларим баттар оғирлашяпти. Худди ичимда нимадир кўзимни очмаслигим учун бор кучи билан курашаётгандек. Кўзларимга ёш тўлиб, охири, енгилдим. Арда столдаги қадахлардан бирини менга узатар экан, кўзимдан оқаётган ёшлар ҳақида ҳазиллашаётган эди. Сенга қарашга уринаётганимда кимдир менга тўсқинлик қилди деб қандай айта оламан? Буни тушуниши мумкинми? Чирокларнинг нурлари ёқмаганини айтаётиб охирги пайтда жуда осонлик билан ёлғон

гапираётганимни сезиб қолдим. Ваҳоланки, биринчи кунда онамга ёлғон гапирганим учун анчагина қийналган, соатлаб йиғлаган эдим. Ҳозир эса ўйлаб ўтиришимга ҳожат йўқ. Бирор таомни пиширишни янги ўрганаётган пайтингда аввалига масалликларни эслаб қолишга қийналасан, кейин эса ўлчаб ҳам ўтирмай, қанча масаллик кераклигини кўзинг билан чамалаб оласан-ку, ёлғон ҳам худди шунақа нарса. Аввалига жуда қийин, кейингилари эса жуда осон... Қанчалар нафратланар эдим ёлғондан! Қанчалар сохта туюларди мен учун ёлғон! Гўё рўпарамда ёлғон гапираётган одамнинг ичида ваҳший махлук бор деб ўйлардим. Қачон ёлғончига дуч келсам, аввал жимгина тинглардим. Кейин юзига қараб, сийратининг суратида акс этганини кўрардим. Шу ерда бир кўзгу бўлса-ю, ҳаммани тинчлантириб, ўша кўзгуга қарасам. Ичимда қандай бало махлукни улғайтиряпманки, суратимда мутлақо бошқача излар қолдирмоқда? Буни қандай уддалаяпман? Энг ёмон кўрган нарсамнинг маркази томон қандай илдамлаяпман?..

Ана шундай ўйларга чўмиб ўтирар эканман, Арданинг:

– Шу чироқларнинг остида яна озроқ ўтирсанг, кўзинг оғриб қолади, – деган гапидан ўзимга келдим. Бизнинг гуруҳ “Хайрият! Ва, ниҳоят!” деганча югургудай бўлиб кетаётган эди. “Қаерга кетяпмиз?” деб сўрашга улгурмасимдан қизил деворли кички-

на хонага кирдик. Тор, лекин узунгина хона экан. Ёруғлик тобора камайганидан хонанинг охирини кўра олмаяпман. Ўнгу чапга аланглаб, бу ерда нима қилиб юрганимизни тушунишга уриняпман. Бизникилар аввал ҳам бу ерга келишгани учун ўзларини бемалол тутиб, рўпарадаги хира чирокли бўлмага ўтишди. Секингина Арданинг кўлидан ушладим. Ҳатто ўзимга ҳам эшитилмайдиган даражада паст овозда бу ерда нима қилишимизни сўрадим. Нигоҳлари шунчалар ғалати, овози шунчалар бегона эдики, савол берганимга минг пушаймон бўлдим.

“Соғинган бўлсанг керак, шундай эмасми?” дея сўраган ўша овозни дунёнинг энг жирканч овозларидан бири дейиш мумкин. Оҳанги ҳайратомуз, масхараомуз эди, камситувчи эди. Билиб туриб, билмаганга олаяпсан, деяётгандек эди. Буларнинг барини бир хил оҳанг билан айтишнинг уддасидан чиқди. Бир гап билан шунча маънони инсоннинг юзига солиш мумкинми?..

Аслида ҳайратлар ичида қолган инсон мен эдим. Ҳатто ўзимга ҳам айта олмайдиган бир ҳис катта раётган эди ичимда. Кўрқаётган эдим... Ҳа, кўрқяпман, жуда кўрқяпман ҳозир. Хонанинг бор девори худди устимга бостириб келаётгандек, нафасим қисилиб кетаётгандек... [Сал аввал аранг очилиб турган қовоғим энди юмилмаслик учун тиришаётганга ўхшайди. Қара, нимани танлаганингга қара демокчи гўё. Юммайсан кўзингни, ҳаммасини кў-

расан, шу эшикдан чиқа олсанг, хонадаги ҳар бир рангинг изи коп-қорайиб кетган миянгга ўрнашиб қолган бўлади, дея уқтиришга уринаётгандек. Рангим оқариб кетган, томирларимда қон худди тўхтаб қолгандек. Ҳозирги аҳволимни оиламдан кимдир кўрса борми, нақ эсидан оғади. Салгина йўталсам, атрофимда парвона бўладиган онам ҳозир нима қилаётган экан? Эҳ, аҳмоқ, алламаҳалда нима қилиши мумкин? Ухлаяпти-да. Илтимос, уйғонинг, она! Шунчалар совқотяпманки, дуоларингиз билан устимни ўраб қўйинг...]

Руҳим менга, бизга шунчалар узоқдан қараб турардики, ёнимдагилар умуман сезгани йўқ. Чўнтақларидан чиқарган кичкина пакетчалар туфайли аллақачон осмони фалакда учиб юришибди. Қаҳқаҳа отишар, телбаларча кўнгилхушлик қилишарди. Дамодам қўлларидан менга ҳам узатишар, кейин мени эсдан чиқариб, ўзлари билан овора бўлишарди. Юрагимни очганман деб ўйлаганим йигит рўпарамда кўзларини сузганча менга қараб ўтирибди. Бахтиёрликдан телба бўлиб қолганга ўхшайди. Бу қанақа бахтиёрлик?.. Кўзини бир сония бўлсин, мендан узгани йўқ. Ҳеч нарса ёқмаяпти. Сал аввал шу йигитга соатлаб тикилиб ўтиришни истаётган эдим, энди эса нигоҳидан безовта бўляпман. Менга нечанчи мартадир узатилган ўша нарсага қўлим теггандир барибир. Балки, нима эканлигини тушунишига урингандирман, балки, ўша куни бошим-

дан ўтганларни, эслай олмаётганларимни топиш, пазлнинг етмаётган қисмларини хаёлимда бирлаштиришни истагандирман. Рўпарамдаги бир столга кўзим тушди, кўлимни узатсам етгудек, лекин ҳар қанча йўл боссам-да, етиб боролмайдиганга ўхшайман. Қизнинг оёғидаги пойабзал мен ҳар куни витринанинг олдидан ўтганда ҳавас билан қараган, ўша куни кийиш учун олган туфлининг худди ўзгинасидан эди. Не ажабки, худди менга ўхшаб табасум қилар экан... Янаям тиникроқ кўриш учун кўзимни қисиб қарадим. Қандай бўлиши мумкин бу? Бунақаси бўлиши мумкинми ўзи? Ахир бу менман! Ҳа, менман! Худди ўзим! Ҳаяжон билан, қўрқа-писа ўтирган столида янги дўстлар орттириш билан овора. Танишишни хоҳлаяпти, саволлар беришни, гаплашишни, ўрганиш ва ўргатишни... Қаерлик эканликларини, нима учун бу факультетни танлаганини сўрашни ўйлаяпти, лекин шунчалар нотўғри жойда ўтирибдики, эҳ, бечора Зайнаб, ўзига ўзи нималар қилаётганидан беҳабар!

Бирин-кетин бошлашди бангиликни. Бақирчақир, шовқин-сурон ҳамма ёқни тутиб кетган. Навбат бир йигитга келди. “Йўқ”, – деди-да, кўли билан астагина қайтарди. Шу пайт рўпарасида ўтирган, кўйлагининг ўринсиз декольтеси билан эътибор тортган қиз кўлини узатди. “Бунинг учун жасорат керак, йигит ёки қиз бўлишнинг фарқи йўқ”, – деди. Ғурурим ерга урилди деб ўйлаган йи-

гит ҳам ўйлаб ўтирмай кўлини узатди. Сал туриб ўзи ҳам тушунмайдиган нарсалар бошланиб кетди. Юзидан шунчалик билиниб турибдики, нигоҳлари энди умуман бошқача... Навбат энди менда. Юраги ҳаприкиб, бир марталик синаб кўриш иштиёқининг ортида нималар бўлиши мумкинлигига қизиққан, дўстлари даврасида рад этгудек бўлса, калакага қолишини ўйлаган, ўзига ишончини ортиришга уринган, аммо юраги буткул ўзгача ҳисларга асир тушган менда. Ҳатто “Нима қилишим керак?” деб сўраётганида ҳам шунчалар маъсумки, ўрнимдан туриб, югурганча бориб кўлидагини юлқиб олишни, юзига шапалок туширишни истаяпман. Эртаси кун ҳатто кўли кўлига тегиб кетганида ҳам сапчиб тушадиган, ер ёрилиб ичига киришни истайдиган даражада уяладиган ва ўзини адои тамом бўлган ҳолда кўрадиган мен учун сабабчи бўлмаслигини хоҳлаяпман. Ўрнимдан туриб югурияпман, югурияпман, югурияпман... Мендан қанчалар узокда, ҳолбуки, кўлимни узатсам, кўлидагини тортиб олишим мумкиндек туюлганди. На югуришларим кор қилди, на ёлворишларим. Беғубор болалигини, маъсумиятини ўша ернинг ўзида қолдирди-да, ўша ифлос нарсани истеъмол қилди... Танасида қон айланиши бирданига тезлашиб, нафаси қисилиб кетгандек бўлди. Юраги қанчалик тез уриши мумкинлигини ҳисоблаш учун жимиб қолди. Кейин бирданига пастга думалаши билан

атрофни қаҳқаҳа тутиб кетди. Нималар деб мингирлаганини эшитолмадим...

Ўзимга тикилиб қолган эканман, устимга тўкилган ичкиликдан қалқиб тушдим. Арда кетма-кет узр сўрар, эгнимни тозалашга уринарди. Қолганлар тинмай тиржайяпти, мен эса бу ҳолатнинг нимаси кулгили эканлигини тушунолмай ҳалакман. Бўлиб ўтаётганларга ортиқ чидай олмаслигимни сезиб, Арданинг кўлидан ушладим-да, бор кучим билан бакирмоқчи бўлдим-у, овозим аранг чиқди:

— Сен нималар қияпсан? Бу нима аҳвол? Сизлар нима қияпсизлар бу ерда? Мен кетяпман, сен ҳам кетасанми?

Нега “Сен ҳам кетасанми?” деб сўраганимни билмайман, лекин жавоб кутаётган эдим. Кимдир мени туртиши, бўлди, уйғона қол, ўқишга кеч қоласан, дейиши керак эди. Арда совуққонлик билан мени ёнига ўтказди ва тинчланишимни айтди. Қандай қилиб тинчланишим мумкин? Гуруҳдагилардан бири қадахни кўтарганча ичкилик ичишни қандай бошлагани ҳақида гапирар эди. Саккиз ёшлигида ота-онасининг ажрашиб кетишига айнан ичкилик сабабчи бўлган экан, бу нарса қандай қилиб оилани бузиши мумкин деб қизиққанидан ичиб кўрибди. Кейин нима бўлганини ҳатто сўрашни ҳам истамадим. Қулоғим остида тинимсиз пичирлаётган овоз, бизникиларнинг муттасил *“Ҳеч нарса бўлмайди, кайфингни сур, бир неча соатдан кейин ўтиб ке-*

тади” деган кўндиришлари, ҳаммаси бир-бирига араллашиб кетган, ним қоронғилик мени чарчатган эди. Кўзим яна ўша столга, менга тушди. Кайфи аллақачон тарқаб кетган, вужуди зиркирар, йиғлар, бақирар, ўзини бир ерларга уришни истар, бироқ кучи етмаётган эди. Лаби лабига тегмай тинимсиз пичирлар, гўёки ким биландир гаплашаётганди.

Кимдир кўлини елкамга кўйганини сездим.

– Сен учун тайёрладим, – деганча столнинг устини кўрсатди. – Хавотир олма, мен ёнингдаман. Озгинаси ҳеч нарса қилмайди.

Майлику-я, нега энди ҳозир буни истемол қилишим керак?..

– Менинг ҳеч қандай дардим йўқ. Истамайман.

– Дардми? – деди сохта табассум билан. – Менинг ҳам ҳеч қандай дардим йўқ, Зайнаб. Лекин маза қилдиради-да. Унутган бўлишинг мумкин эмас.

Ернинг тагигача неча метр ўзи? Неча дақиқада етиб бориш мумкин?.. “Соғинган бўлсанг керак, шундай эмасми?” деганда чиққан оҳанг шаклга кириб, ўша кечага айланиб қолган, гўё юзимга уриляётган эди. Қанчалик ўйлашга тиришмай, унинг ўша кечадаги юзини эслай олмайман. [Шунчалар уялдимки, аслида бундай қиз эмаслигимни тушунтиришни жуда-жуда хоҳладим. Аммо тушунтиришни нимадан бошлашни билолмаётган эдим.]

– Менга қара, ўша кун қандай бўлди, билмайман, ҳатто сени эслолмайман ҳам, лекин ўша кун

биринчи марта шу ишга қўл урдим. Мен ундай қиз эмас...

Арда гапимни бўлиб, тушунтиришимга йўл қўймади.

– Биладан, – деди.

Хатто шу сабабли мени яхши кўришини, менинг бошқача эканлигимни айтди. Шунчаки кайф учун бир мартасидан ҳеч нарса бўлмаслиги уқтираётганида кўнглим беҳузур бўлиб кетди. Юракни сиқадиган бу лаҳзалардан халос бўлиш учун алланималарни алжираб, кетма-кет савол ёғдирдим.

– Қачондан бери истеъмол қиласан, яъни бангисан? Нега энди кайф учун бундай қиласан? Бир неча дақиқа кейинги азобга қандай чидайсан?

Банги эмаслигини, гоҳ-гоҳида мана шундай давраларда истеъмол қилишини ва ўзини йўқотиб қўймаслигини айтди. Негадир шу гапларидан кейин саволларни бас қилдим ва унга ишонишни танладим. Ичимда раҳм-шафқат ҳислари жўшиб кетди. Нигоҳидаги ёлғизликни кўриб, хафа бўлдим. Гоҳ-гоҳида истеъмол қиладиган шу ифлос нарсадан уни кутқаришни хоҳладим.

– Майли, бу гал сен айтгандек бўлсин. Лекин келишиб олайлик: иккимиз учун ҳам бу охириги бўлади, бўптими? Бундай давраларга қайтиб мутлақо кадам қўймаймиз!

Таклифимни қабул қилди. Қандай хатонинг ичида эканлигимни ўзим ҳам билмасдим, лекин уни бу

ердан кутқаришни дилимга тугдим. Инсофсизлик килолмасдим, ортимга ўгирилиб, шу эшикдан чиқиб кетолмасдим. Уни шу ерда, мана шу нотўғри хаётнинг ичига ташлаб кетолмасдим!

* * *

Юрагим жуда тез урар, қўлларим увишган, шокка тушиб қолгандим. Ўляпманми? Шундай бўлар эдими? Кўзимга шифтдаги чирокнинг хира нуридан бошқа ҳеч нарса кўринмаяпти. Телбаларча йиғлагим келяпти-ю, кўз ёшларим қуриб қолгандек. Қаттиқ чанқаган бўлсам-да, тилим танглайимга ёпишиб қолганидан бир томчи сув ҳам сўрай олмадим. Қўлимни Арданинг қўлига узатишни, аҳволим яхши эмаслигини айтмоқчи бўлдим, лекин қоп-қоронғи жарликка қулаётгандек ҳис қилдим ўзимни, бирор ерга урилиб чилпарчин бўлмаслик учун Аллоҳга ёлвора бошладим. Аллоҳим, мени кечир! Кечир! Кечир! Дир-дир титраш шунақа бўладими? Мени шунчалик қалтироқ тутган пайтда ёнимдагилар қандай қилиб бунчалар хотиржам? Чирокларнинг нури тобора хиралашяпти, кўрқяпман, ўлаётганга ўхшайман. Шу ерда ўламанми? Оилам мени шу ердан топадими? Аллоҳ-чи? Унинг ҳузурига шу аҳволда чиқаманми? Бунинг учун қандай жавоб бераман? Мен ким эдим? Нима бўлди менга? Нима қияпман бу ерда? Ўрнимдан туриб,

тўғри хонамга боришни ва Миттивойни ҳам олганча биринчи самолётдаёқ оиламнинг олдига, уйимга қайтишни истаяпман. Мен шундай эдимми?.. Менга тегишли ҳамма нарсани шу ернинг ўзида қолдириб кетишни, бундан кейин бу шаҳарнинг ҳатто ёнига ҳам яқинлашмасликни хоҳлайман. Аллоҳим, қутқар мени бу аҳволдан! Оилам мени бу алпозда кўрмасин!

Неча кунлардан бери мен кўриб турган деворнинг ўрни бирданига ўзгариб, сал аввал мен қараб турган менга, ўша столга айланиб қолди. Рўпарамда адои тамом бўлган мен бор эдим. Қўлини ҳатто деворга ҳам тирай олмайдиган даражада ҳолдан тойган мен. Кимдир қўлимдан ушлади, юзимга сув сепди, лекин эс-хушим ўзимда эмас. Етаклашга уринди, лекин юролмадим. Кейин қучоғига олдида, у ердан олиб чиқди. Ҳарчанд уринмай, қоронғиликдан юзини кўра олмадим. Кўзим пойабзалига тушди. Кўм-кўк эди. Осмоннинг рангидай кўк эмас, денгизнинг тўқ кўк сувидай. Ҳув болалигимда, акам иккимиз мириқиб томоша қилган денгиздай кўк рангда. Болалигимдаги ҳовучимга, пахтақандлар сикқан орзуларимга ўхшарди. Ҳаммаси тамом бўлдимми? Бунчалар ёлғончи бўлмаса дунё, мақсади йўқ, битмас-туганмас... Қопток мисоли оёғимнинг тагида юмалаб кетяпти, сал туриб самодан нимадир ёғади-да, чилпарчин бўламиз! Даҳшат! Тез орада қуёш янада кўпроқ яқинлашади ва бизларни ёнди-

риб ташлайди! Юлдузлар бошимиз узра оловли тўп
мисоли учиб ўтиб, охир-окибат, бизларни бурда-
бурда қилади. Денгизлар қайнайди, чегараларидан
ошади, бизларни домига тортади. Ҳадемай чўкиб
кетамиз! Дунё коинотнинг кенгликларида тебраниб
юрибди, энди оёқларим билан уни ушлаб тура ол-
майман. Қаёққадир бориб урилади, бўлакларга бў-
линиб, таркалиб кетади. Нафас ололмаяпман! Бў-
ғилиб кетяпман! Жоним кимнингдир кўлида стресс
таркатадиган тўпдек сакраяпти. Аллоҳим, дунёни
кутқар!..

Юзимга сепилган сув билан Ардага қарадим.
Ҳали ҳам ўшандай кулимсираб турганди.

– Кайфдан ҳатто бизни ҳам эшитмай қолдинг.
Булутларнинг устида ўтирганча оёқларингни ли-
киллатяпсанми?

Булутларнинг устида деяптими? Булутлар тар-
калиб кетяпти-ку. Ўзимни яхши ҳис қилмаяпман.
Ҳаммаси парча-парча бўлиб кетган дунёни ютиш-
га ҳозирланяпти. Ёмғир ёғяпти, тупроқ сувни ши-
миб оляпти, дунё тобора тўлиб боряпти. Аввалига
сузишни билмаганлар чўкяпти, кейин қолганлар...
Ҳамма оҳ-воҳ қилганча қочяпти...

Онажон, мени қутқаринг!..

Кўзимни очганимда атроф ёришиб кетган, сохилда оёғимга денгиз тўлкини урилаётган эди. Бошимни кўйган жойимдан – Арданинг елкасидан кўтардим. Кўзларимиз тўқнашди.

– Яхшимисан?.. Узр...

Миямнинг ортидан келган оғриқнинг зўридан гапини охиригача эшитолмадим.

– Нима бўлди менга? Биз бу ерда эдикми? Кўрқинчли туш кўрдимми? Нонушта қилаётган эдикми?

– Очқадингми?

– Йўқ. Бу соҳилга нонушта қилиш учун келмаганмидик?

– Бир неча кун бўлди-ку унга. Ростдан, яхшимисан? Аввал тинчлан, мана бу сувни ич. Ҳеч нарсани ўйлама, хўпми?

– Хўп.

– ...

– Биз бу ерга қандай келдик?

– Ёнингда мен борлигимни айтган эдим, Зайнаб. Кўрқиншингга ҳожат йўқ. Зерикиб қолганинг учун бу ерга келдик.

Мен зерикканим учун келдикми? Шошма-шошма, эсладим. Рўпарамда мен бор эдим. Яна мен ўтирган жойда ҳам бор эдим. Дунёга нима бўлди? Ўқидан чиқиб кетган, телбага ўхшаб айланаётган эди. Ким тўхтатиб қолди уни? Йўқса ўлдикми? Уф, бошим тарс ёрилиб кетай деяпти. Юрагимга алланечук оғирлик чўккан. Кимнидир кучоклаганча соатлаб йиғлагим келяпти. Фикримни укқан чоғи, ўша пайт Арда мени кучоклаб олди. Неча йиллардан бери ичимда йиғи йиғилиб қолгандек, неча ойлардан бери кўзимдан бир томчи ёш оқмагандек роса йиғладим, соатлаб йиғладим... Ичимдаги ҳамма нарсани кўз ёшларим билан оқизишни хоҳлагандек, денгизни кўзларимдан оққан ёш билан тўлдиришни истагандек йиғладим.

Оёқларимга урилаётган сув энди оқаётган ёшларимни олиб кетаётган эди. Денгиз энди янаям шўрдек, янаям дардманддек, янаям мовийдек.... Оғзимдан “жуда чарчадим”дан бошқа гап чикмади, фақат йиғладим. Кўзимда ёш тугаб қолгунча йиғладим. Кеча унинг юзига қараб мен ҳис қилган раҳм-шафкат, уни ўша ердан қутқариш истаги ичимни босиб турган оғирликни ҳосил қилганди. Энди эса у менга ўшандай қараб турар, кўз ёшларимни ўшандай артаётганди. “Бундан кейин ҳеч қачон бунга рухсат бермайман!” деяётганида тушундимки, ўзини каттик койиётган эди.

– Кетишим керак!

– Ётоқхонагами? Мен олиб бориб қўяман сени, лекин кетишдан олдин нонушта қилиб олсанг яхши бўларди.

– Йўқ, ётоқхонага эмас, уйимга...

– Уйгами? Қайтиб кетасанми?

– Йўқ, йўқ... Бироз муддатга, бир неча ҳафта, балки бир неча кунга бориб келмоқчиман. Ўзимни ёмон ҳис қиляпман.

– Имтиҳонлар нима бўлади? Биласан, якуний имтиҳонлар бўляпти.

– Рухсат оламан, такрорий имтиҳонларга кирман. Тўғриси айтсам, ҳозир имтиҳонларни ўйлаётганим йўқ, шунчаки уйга кетишни хоҳляпман.



Неча кундан бери витриналардан бирининг олдидан ўтаётиб бир пойабзалга кўзим тушади. Жуда ёқтириб қолдим! Бу сафар ўтаётиб қарасам, менга нимадир демокчидек бўлиб бошқача қараб турибди. Ҳа, ҳа! Бу окшом университетда ўтказиладиган танишув кечасига албатта шу пойабзални кийиб боришим керак! Қолаверса, неча кундан бери витринадан менга қўл силкиётганига қараганда, у ҳам мени хоҳлаётган бўлса керак.

Танишув кечаси деганим, қони меникидан тезроқ оқадиган бир гуруҳ ёшлар ташкиллаштирган кеча. Ҳамма янги бўлгани учун ташкилий ишларга кетма-кет икки йил курсда қолган талаба бош-қош бўлади-да. Тўғриси айтсам, ўқишга келиб, нега икки йил қолиб кетдинг деб ҳечам ҳайрон бўлаётганим йўқ. Ҳойнаҳой, университет жуда ёқиб қолган, тўрт йилда битириб кетгиси келмаётгандир. Бунақалар ёзда қандай кайфиятда бўлишини тасаввур қила оласизми?..

– Онажон! Бу йил ҳам имтиҳонларни қайтадан топшириш ҳуқуқини кўлга киритдим! Яшасин!!!